

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

И.Иргашев номли 4-сон ШКШ

Бош шифокор



**БАЖАРУВЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАБ ОЛИШ УЧУН  
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Танлов хужжатларининг маъмуни;

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

## **1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ.И.Иргашев номли 4-сон ШКШ да иморатни,бинони,касалхона хоналарини,ховли ,йўлаклар,девор жавонлари,санузел,ошхона ,зинопоя,холл,майдон ва ёрдамчи майдонлар(ертўла .чердак.техник ертўла.ахлат камераси.сарой)ва барча касалхона худудларини дезинфекция,дезинсекция,дератизация иш ва хизматларини 2ой давомида олиб бориш ва хизмат кўрсатиш учун .

1.2 Танлов охирги қиймати -7 868 000(Етти миллион саккиз юз олтмиш саккиз минг )сўм.Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмida илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлав йил давомида.

1.5Ишларни бошлаш муддати –аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## **2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1.И.Иргашев номли 4-сон ШКШ (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади.)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи”манзили ;Тошкент шаҳар.Яшнобод тумани .Бирлашган 1.

2.2.Танлов “Буюртмачи “томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов И.Иргашев номли 4-сон ШКШ “Буюртмачи “томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда.белгиланган муддатларда ўтказилади.

## **3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1.Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар қўйилади.

Танлов предмети қийматининг камида 30 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси .ишлар (хизматлар )ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги.

Шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик –муомала хукукий лаёқат ва ваколатлар;

Танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ;  
Танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50  
фоиздан кам бўлмаган холда)

Низом маблағи миқдори .

3.3.агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар )ни бажариш билан боғлик фаолият  
қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса. Танловда иштирок этиш учун белгиланган  
тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4.Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

Кайта ташкил этилиш (ажратилиши .қўшилиш )тутатиш ёки банкротлик арафисида турганлар ;мол-  
мулки мусодара қилинганлар.хамда муассислик келишув .молиявий иштирок .холдинг ва бошқа  
шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –хукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги  
мавжудлар.

#### **4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1.Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон  
танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар маълумотлар “буюртмачи ”ва  
“иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3.Танлов хужжатларида қўйидаги тақдим этилиши лозим;

Техник қисм “буюртмачи ”томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва  
хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми.Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида.хизматларни бажариш  
муддатлари тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ курсаткичлар кўрсатилган  
бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган .номерланган ваколатли шахс  
имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган холда  
тақдим этилишлари лозим.

4.4.Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади;

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар;

Техник таклиф .Фирменний бланкада имзоланган номерланган ва муҳрланган холда;

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар.техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар рўйхати илова  
қилинади);

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.5.Танлов иштирокчиси;

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хақонийлигига тўлиқ  
жавобгар бўлади;

—таклифлар бериш муддати тугагунига қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш  
киритиш ҳуқиқига эга.

## **5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

- 5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли холда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкин.
- 5.2.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асасланган қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7.БОШҚА ШАРТЛАР**

- 7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишша ҳакли. Товарни (ишни.хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларга ўзгартиришлар киритилган танловда тақлифлар бериш тугайдиган муддат санадан камида 10 кунга узайтириш керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда санадан эътиборан камида 10 кунга узайтириш керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса. танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидалари танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси агар мазкур сўров давлат буюртмачисига тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса. ушбу тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса. ушбу танлов хужжатларининг қоидаларига доир сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун –моҳиятини ўзгартираслиги керак.
- 7.3.Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичida маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4.Танловнинг исталган иштирокчиси тақлифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларини тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичida танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларини тақдим этиши шарт.
- 7.5. Қўйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этиш учун рухсат берилмайди.
- зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
  - қайта ташкил этиш тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
  - буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик мухокамаси ҳолатида бўлган;
  - инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида бўлган;
  - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарзларга эга бўлган;

-харид қилиш хужжатлари талабларига жавоб бермайдиган малака хужжатларини тақдим этган

7.6. Танлов натижалари бүйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилген таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Бош шифокор мувовини

Бош хисобчи

Таъмирлаш ишлари бүйича бошлиқ

Юсупов Г.А.

Нишанбаева М.А.

Махмудова С